

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРОТЕГИЯСИДАГИ БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ХУСУСИДА

Доцент. Азимова Феруза Пайзиевна
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Аннотация: ушбу мақолада тўқимачилик саноати таркибидаги корхоналар фаолиятини самарали бошқариш тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларни амалга оширишда юзага келтирувчи ҳолатлар мавжудки, улар корхоналарни стратегик ривожлантиришда асосий ўрин эгаллашидан иборат.

Калим сўз: сифат менежменти, тараққиёт стратегияси, Корхона самарадорлиги, маркетинг стратегияси, молиявий сиёсат.

Аннотация: в данной статье приведены случаи эффективного управления деятельностью предприятий текстильной отрасли при реализации целей, поставленных в стратегии развития, которые занимают ключевое место в стратегическом развитии предприятий.

Ключевое слово: управление качеством, стратегия развития, эффективность предприятия, маркетинговая стратегия, финансовая политика.

Abstract: this article presents cases of effective management of the activities of textile enterprises in the implementation of the goals set in the development strategy, which occupy a key place in the strategic development of enterprises.

Key word: quality management, development strategy, enterprise efficiency, marketing strategy, financial policy.

Республикамизда мустақиллик йилларида тўқимачилик саноатини янада ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб, сифат менежменти тизимини жорий этиш, бошқаришда инновацион усулларни қўллаш борасида кенг қўламдаги амалий ишлар қилинмоқда. 2022-2026 йилларга

мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “...иқтисодий тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотлар” устувор йўналиш сифатида белгиланди. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши республикаимиз тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий кўрсаткичларини такомиллаштиришни тақозо этади [1].

Корхонанинг самарадорлиги мураккаб тушунча ҳисобланади. Бизнес тузилмасининг самарали ишлаши учун бизнеснинг барча иштирокчилари: мулкдорлар, менежерлар ва оддий ходимларнинг манфаатларини мувозанатлаш зарур. Уларнинг барчаси корхонанинг самарали фаолият юритишидан манфаатдор бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бири «самарадорлик» тушунчасига мутлақо бошқача маъно қўяди. Мулкдорлар учун самарадорлик энг аввало молиявий натижаларни ошириш, корхона ва унинг улушлари қийматини узок муддатда оширишда ифодаланади. [2]

Иқтисодий самарадорлик - иқтисодий фаолият, иқтисодий дастур ва чора-тадбирлар самарадорлиги булиб, иқтисодий самара, натижанинг ушбу натижани олишга сабаб бўлган омиллар, ресурсларга нисбати ҳамда маълум қийматдаги ресурслар ёрдамида ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажмига эришиш каби таснифланади.

Хўжалик юритишнинг бозор талабларига мослашиши соҳа ва тармоқлар бошқариш тизимининг қайта қурилиши шаклланаётган механизмда ўзгараётган мулк муносабатлари ва ташкилий – ҳудудий манбалар мужассамлаштириб борилаётганлигида намоён бўлмоқда. [2]

Ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ва ўз меҳнат натижаларига эгаллик қилаётган ижтимоий-иқтисодий тузилмалар, давлатнинг бошқариш ваколатига эга идоралари иқтисодий тамойилларга таяниб, турлича муносабатлар ўрнатишга киришмоқда. Демак, бошқариш тизимининг вазифаларини таркибан ўзгартириш, ҳар бир тузилмада такрорий ишлаб

чиқаришни йўлга қўйиш ва уни кенгайтириш хусусиятлари аниқланади, хўжалик юритиш услубларнинг бозор муносабатларига мослашиш зарурлиги кўзда тутилади.

Хорижий мамлакатларда ҳозирда бир хил нарсани англатадиган бир нечта технологик бошқарув механизмларини учратиш мумкин. [4]

- CPM (Corporate Performance Management);
- BPM (Business Performance Management);
- EPM (Enterprise Performance Management).

Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги тўқимачилик саноати таркибидаги акциядорлик жамиятлари фаолиятини бошқариш механизми самарадорлигини ошириш заруратини юзага келтирувчи бир қатор ҳолатлар мавжудки, улар акциядорлик жамиятларини стратегик ривожлантиришда асосий роль ўйнайди. Мазкур ҳолатларга қуйидагиларни киритиш мумкин: [3]

1.Айни пайтда кўплаб тўқимачилик корхоналари фаолияти самрадорлигини бошқариш механизмларини такомиллаштириш, корхона молиявий барқарорлигини баҳолашда ягона мазмундаги (молиявий, меҳнат, моддий кабилар) кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳолатлари учрамоқда;

2.Бошқарув ходимлари малакасини янги ўзгаришларга мос эмаслиги. Хусусан, айрим ҳолатларда раҳбар ходимларнинг кадрларни танлаш, жойига қўйиш ва малкасини ошириш билан боғлиқ муаммоларга юзаки қараётганлиги, натижада корхонада рағбатлантирувчи муҳитни шаклланмаганлиги;

3.Кўплаб тўқимачилик корхоналарида сифатни бошқариш тизимини бозор талабларига етарлича жавоб бермаслиги, хусусан, айрим маҳсулот турларин ишлаб чиқариш жараёнида сифат омилларига асосланиш йўлга қўйилмаганлиги;

4.Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишга мўлжаллаб ишлаб чиқиладиган маркетинг стратегияси ва бу

борадаги стратегик режалар тез ўзгарувчан бозор талабларига мослаша олмайганлиги.

5. Корхоналарда молиявий сиёсатни талаб даражасида юритилмайганлиги. Жумладан, ходимларнинг кўнимсизлиги ёки молиявий назоратнинг нотўғрилиги, етарли эмаслиги сабабли ортиқча харажатларни юзага келиши, харажатлар тўғрисидаги ахборотларни ҳисобот даври давомида таҳлил қилинмаслиги. Мазкур ҳолатда асосий муаммо корхонанинг ташқи қарзлар (банк кредитлари, жалб қилинган молиявий ёрдамлар ва ҳ.к.)га ҳаддан ташқари боғланиб қолиши, натижада кўрилган даромадни деярли тўлиқ миқдорда қарзларни қоплашга йўналтирилиши билан боғлиқ бўлади;

6. Бошқарув томонидан корхонани стратегик ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган қарорлар ижросини турли сабабларга кўра кечиктирилиши, натижасиз яқунланиши ёки сезилмайдиган даражадаги натижа келтирилиши, айрим ҳолатларда эса бажарилмай қолиши;

Ўзбекистондаги саноат корхоналари ва бутун халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги бир қанча иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида аниқлаши мумкин. Улардан энг муҳимлари - қувват ёки маҳсулот бирлигига тўғри келадиган капитал кўйилмаси миқдори; маҳсулот таннари; кўшимча капитал харажатларини қопланиш муддати; меҳнат унумдорлиги; фойда, даромад; маҳсулот ҳажмининг кўпайиши, сифатининг яхшиланиши, хом-ашё ва материалларнинг бирлигидан олинадиган маҳсулот ҳажмининг кўпайиши ёки бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришда уларнинг харажат миқдори ва бу миқдорни белгиланган меъёр, режа даражасига нисбатан камайиши; фонд қайтими; фонд рентабеллиги; дастгоҳлар иш унуми; иш вақти ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси ва бошқалар. Шунинг учун барча ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари 6 турга ажратилган [4]:

1) умумий кўрсаткичлар; 2) меҳнат ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари; 3) асосий ишлаб чиқариш фондлари; 4) айланма маблағлари; 5) капитал қўйилмалардан фойдаланиш кўрсаткичлари; 6) ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари.

Фаолият самарадорлигини бошқарув тизими ёки performance based management, баъзан фақат performance management (PM), бўш жойда пайдо бўлган эмас. PMнинг манбасини Питер Друкер томонидан таклиф этилган мақсадни бошқариш ғояси деб ҳисобланиши мумкин. Филипп Модиано PMни янгилик эмас, балки микс деб ҳисоблайди: «концепция бошқаришнинг турли соҳаларида эришилган энг яхши ютуқларни ҳисобга олган ҳолда эволюцион тарзда ривожланган» [5].

Яқингача стратегик мақсадларни бир неча молиявий кўрсаткичлар кўринишида шакллантириш мумкин бўлган бўлса, бугунги кунда улар қийматларни бошқаришга қаратилган.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» ПФ-60-сонли Фармони. // www.lex.uz.
2. Савицкая Г.В. Экономический анализ: учебник. 11-е изд., испр. и доп. М.: Новое знание, 2012. - 651 с
3. Америка журнали global research network. american journal of economics and business menagement- 104-107 p.
4. Питерс Т., Уотерман Р. В поисках эффективного управления (опыт лучших компаний) / Под ред.. Л.Евченко. – М.: Прогресс, 2006.-150с
5. Kaplan Robert S., and David Norton. Using the Balanced Scorecard as a Strategic Management System. Harvard Business Review 70, no. 1 (January–February 1996): pp.75–85.
6. Тухтаев З. Э. ШАГИ ПО ПОВЫШЕНИЮ ИНВЕСТИЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ // Экономика и социум. – 2022. – №. 5-1 (96). – С. 691-695.